



**Дилбар ЎРИНБОЕВА**  
доцент  
филология фанлари номзоди  
СамВХТХҚТМОИ



**Баҳора СОДИҚОВА**  
магистр  
Самарқанд давлат чет тиллар институти  
[bahorabonu@mail.ru](mailto:bahorabonu@mail.ru)

## **ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ АСАРЛАРИ ТИЛИДА СЎЗЛАШУВ НУТҚИ ЭЛЕМЕНТЛАРИ**

Муаллиф халқ оғзаки ижодининг етук намуналари – “Алпомиш” ва “Равшан” дostonлари мисолида оғзаки ижодда сўзлашув нутқи тузилишини белгиловчи мазмунга хос муҳим хусусиятлар, эмоционал, вулгар сўзлар ҳақида фикр юритган.

В статье рассматриваются характерные особенности разговорной речи (вульгарные, эмоциональные слова) в произведениях устного народного творчества, в частности в эпосе “Алпамыш” и “Равшан”.

This article discusses the characteristics of the content of spoken language, the vulgar, emotional words in particular in the works of folklore, especially, the epos: "Alpamysh" and "Ravshan".

**Калит сўзлар:** халқ оғзаки ижоди, дoston, сўзлашув нутқи, вулгар сўзлар, эмоционаллик, информативлик, коммуникативлик.

**Ключевые слова:** произведения устного народного творчества, дастан, разговорная речь, вульгарные слова, эмоциональный, информативный, коммуникативный.

**Key words:** works of folklore, epos, spoken language, vulgar words, emotional, informative, communicative.

Халқ оғзаки ижоди бугунги маънавий қиёфамизни шакллантиришда, қалбимизда миллий ғурур, ифтихор, одамийлик туйғуларини юксалтиришда беқиёс аҳамият касб этади. Зеро, “...қанча авлод-аждодаларимиз “Алпомиш”

достони асосида тарбия топган, ўзлигини англаган, маънавий бойликка эришган”(1, 6). Шундай экан, халқимизнинг қалб қўри, юксак ақл-заковати билан асрлар давомида яратилиб, авлоддан-авлодга ўтиб келган халқ оғзаки ижоди намуналари, жумладан, “Алпомиш” ва “Равшан” достонларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Достонларни куйлаш жараёнида бахшилар қаҳрамонларни ўзлари яшайдиган ҳудуд ва муҳитдан ажратмасдан, ҳаётдаги каби жонли ва ишонарли тасвирлаш эҳтиёжидан келиб чиқиб, шевага, сўзлашув нутқига хос сўзларни қўллайди. Шева сўзлари маҳаллий колорит, худудий мансубликни ўзида аниқ акс эттириш билан бирга “бадий нутқда муайян эстетик функцияни бажаради. Бироқ диалектизмларнинг эстетик қиммат касб этиши уларнинг бадий нутқдаги меъёри, қандай ишлатилиши ва айна пайтда, қандай диалектизмларнинг қўлланиши билан боғлиқдир”(2, 24).

Сўзлашув нутқи қўлланишининг оммавийлиги билан характерланади. Чунки ундан барча ёшдаги ва турли касбдаги кишилар фойдаланади. Сўзлашув нутқи шакллари нафақат бадий адабиётда, балки халқ оғзаки ижодининг ёрқин намуналари бўлган достонлар тилида ҳам ўзининг муносиб ўрнини эгаллаган.

Сўзлашув нутқи гаплашувчиларнинг бевосита диалогик шаклда сўзланган бетакаллуф, эркин нутқдир. Ушбу нутқ тил материалига кўра адабий, диалектал, “оддий нутқ” ёки қоришиқ кўринишларига ҳам эга бўлиши мумкин. Адабий сўзлашув нутқи, масалан, ўзбек адабий тилининг бутун Ўзбекистон худудида тарқалган адабий сўзлашув кўринишидир. Шунинг учун адабий сўзлашув нутқи бугун республика худуди бўйлаб маҳаллий шеваларга катта таъсир ўтказаяётган, аммо оз бўлса-да, ўзи ҳам маҳаллий шеваларнинг таъсири фонида кўринаётган нутқдир.

Сўзлашув нутқи тузилишини белгиловчи мазмун учун қўйидаги ҳолатлар характерлидир:

1. Тўла мазмунни ифодаласлик даражаси. Ҳар бир нутқий матннинг мазмунга бойлик даражаси янги ахборот етказиш сони ва сифати билан белгиланади. Кузатилган яқка воқеа-ҳодисалар ва предметлар ҳақида хабар етказиш ахборотнинг содда шаклидир: *Уста ака, бизга ҳам қилиб келиб беринг, – деб икки нондан олиб келиб берди*(Алпомиш, 266). Бир-бирига ўхшаш шундай фактларни тўплаш натижасида ахборотнинг ҳажми кенгаяди: *Уста ака, бизга ҳам қилиб келиб беринг, – деб икки нондан олиб келиб берди. Саксон нон бўлди*. Лекин бу ҳолатда умумлашма фикр юзаки бўлиши мумкин, чунки нон айнан саксон дона бўлмаслиги мумкин. Шу сабабли айтилган гап тўла мазмунни ифодаласлиги мумкин.

2. Яккалик, индивидуалликни ифодалашга интилиш, абстрактликдан конкретликнинг устунлиги. Сўзлашув нутқида кўпинча якка предмет, воқеа-ходисалар ҳақида фикр баён этиш билан конкретликка интилиш кучли бўлади. Масалан: *...ўзига-ўзи айтди: «Келе, Авазнинг қизи бўлмаса, Қорахоннинг қизи-да! Аваз қизини бермади деб, менинг йиғлаб юрганам қандай», деб гайрати келиб...*(Равшан, 11). Бу мисолдан Равшаннинг объектив характерини билиб бўлмайди. Чунки бу ўринда кишининг конкрет ҳолати билан боғлиқ кайфият ифодаламаган. Бошқа қизлар эмас, балки айнан Қорахоннинг қизи назарда тутилган.

3. Эмоционалликнинг кучлилиги. Кундалик алоқа-аралашув жараёнида кишилар бир-бири билан муносабати пайти ҳис-ҳаяжонини билдиради. Бу туйғулар юз кўринишини ўзгартириш, қичқириш, бақириниш, кулиш, йиғлаш, турли имо-ишоралар орқали ҳамда фонетик, грамматик ва лексик воситалар билан ифодаланади. Ҳисларнинг ҳар хиллиги (шодлик, эркаланиш, ғазаб, афсус, кўрқинч каби) ва даражасига қараб, интонация ҳам турлича бўлади. Сўзлашув нутқида хос бу жиҳат сўзлашув нутқи тузилишини белгилайди(3, 14). *Қултойни кўриб қолди: –Ҳа, қайтинг, бобо, – деб порт бўлиб қолди* (Алпомиш, 335).

4. Сўзлашув нутқида кишининг субъектив ва аффектив фикрлари баён этилади. Маълумки, сўзлашув нутқи ўз моҳиятига кўра объектив характерга эга эмас. Агар кишининг вақти бўлса, у ўз фикрини ўйлаб, бирор тартибга солиб объектив ифодалайди. Аксинча, у шошилини тарзда, тезлик билан бирор воқеа-ходиса ҳақида хабар бермоқчи бўлса, ўз нутқини субъектив қобикка ўрайди. Масалан, *...турган одамлар айтди: –Бобо, сиз қариганда айнибсиз, энди кўтарилма-лоппи бўпсиз, ўн тўрт ботмон деганингиз, бир оғир нарса. “Қултой” айтди: –Айтовур биз оғир-енгилини билмас эдик, биз уни чивинча ҳам кўрмас эдик*(Алпомиш, 36). Диалогдан фикр англашилмайди, аммо сўзловчилар Алпомишнинг ўн тўрт ботмон ёни кўтарганини билишади ва бу “чол” уни кўтара олмаслигини билиб, “кўтарилма-лоппи бўпсиз” дейишади. Қултой кўринишидаги Алпомиш эса уни кўтара олишини билади. Бу фикрларда ҳар бир кишининг субъектив муносабати ўз ифодасини топган.

5. Сўзлашув нутқида информативликка нисбатан коммуникативлик кучлидир. Масалан, *Момо дудуқ эди, Равшанбекка қараб: –Бозойдан, –деди. Равшанбек: –Момо, бозордан нима олдингиз?–деди. Камтир айтди: –У шуйинг куйсин, сен ҳам менга ўхшаган куйганлайдан экансан. Бизнинг ютнинг ясмани билмаган, ҳали эшитганинг юқмиди? Зулхумой ёмон бўпти: олдини минг танга, ойқасини беш юз тангадан сотади. Менинг бий ўғлим бой*

эди, гўшгинаси қоққина, уйқугинаси соққина, гапга тушай бошингни егуй, қайгайин десам ёлғиз, қайгамайин десам ялмовуз; йигит ўлгуй, мендан аязлаб, «бий қалпоқ, бий қалпоқ» деб олти ойдан бейи ошини ичмай ётипти. Мени куйдийди-ку, куйиб қозуй(Равшан, 65). Бу диалогда сўзловчи фикрига жавоб тарзида эмас, балки мавзу нуқтаи назардан узоқлашган фикр баён этилган.

6. Нутқда объектив воқеликни акс эттириш жараёнида ассоциатив фикрлашнинг устунлиги(4, 9). Нутққа образлилик бахш этиш, уни ҳис-ҳаяжон тўлдириш ниятида нарса-ҳодисалар ўртасидаги ўхшашликка асосланиб, сўз ва иборалар кўчма маънода ишлатилади. Масалан: *Равшанбекка қараб айтди: – Эй бола! Бунча бақирасан, кайф деган нарсадан қолмадику! Сен ўзинг бурун ҳам ҳеч бозорга борибмидинг, илгари бозорни кўрибмидинг? Анов чангиб ётган ун бозори, нариги қўқиб ётган юн бозори, ҳу анови дўкон тўн бозори, ундан ўтсанг телпак бозори, ундан ўтдинг қалпоқ бозори-да, юртни буздинг-ку! – деётир.*

Келтирилган мисолдаги “юртни буздинг” иборасидан икки маъно англашилади: бири, ўша нашаванднинг кайфияти бузилганлиги, иккинчиси атрофни алғов-далғов қилиб, ҳаловатини йўқотганлиги.

7. Чегараланган лексиканинг қўлланилганлиги. Тилнинг луғат таркибига киритилмаган, фақатгина оғзаки нутқда мавжуд бўлган вулгар сўзлар мавжудки, улар дostonлар нутқида қаҳрамон характери, миллий мансублиги ва ички дунёси тасвирида ҳамда воқеа-ҳодисага хослик таъкидини бериш мақсадида ишлатилади. Шунингдек, воқеалар бўлиб ўтаётган ўринга ишора қилиш ёки нутқий вазият, унда иштирок этаётганларнинг дунёқараши ҳақида маълумот бериш истаги билан ҳам киритилиши мумкин. Тилшуносликда **вулгаризм**лар деб аталувчи ҳақорат сўзларида ўта салбий муносабат, камситиш, менсимаслик каби бир қанча ифода семалари жуда очик кўриниб туради. Бундай сўзлар нутқда номинатив маъноларига кўра эмас, кўпроқ коннотатив маъноларига кўра яшайди. Лисоний таҳлил жараёнида асарга олиб кирилган вулгаризмларни кимнинг (жинси, ижтимоий табақаси, мавқеи, ёши...) нутқида ишлатилаётганлигига қараб гуруҳлаш, қандай вазиятларда ва нима сабабдан қўлланилаётганлигини ҳамда уларнинг лексик-семантик таркиби, шевага хосланганлиги кабиларни аниқлаш лозим бўлади. Мисоллар: — .... мен ҳам шу **баччагарнинг** тўйига борайин, қўлимдан келганча бузиб кўрайин, деб келаётирман, сен нораства гўдак, биз ёши етган “чол”, икки ёрти бирикса, бутун деган гап бор (Алпомиш, 345). *Хў...шўйли бола экансан, менинг боламдан ҳам **беёқим** экансан* (Равшан, 27). *Бу тентак экан. Вой бўй, **бети қора**, уялмаган, – дейшабердилар* (Равшан, 37). ...энамни қаерда

*кўрган экан бу лаънати ит кўса* (Равшан, 40). *Нар-мода бўлибсиз бий бобом ули* (Алпомиш, 163).

Демак, сўзлашув нутқининг долзарб характердаги мазмунини шакллантириш учун ушбу нутққа хос фонетик, лексик, грамматик меъёрлардан ўринли фойдаланиш муҳим. Достонлар тилидаги сўзлар занжирининг миллийликка йўғрилган, қуруқ тасвир ва баландпарвозликдан йироқлик – оддийлик, соддалик ва самимийлик оғзаки ижодда етакчи бўлган бахшиёна руҳнинг асосидир.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008.
2. Абдурахмонов Х., Маҳмудов Н. Сўз эстетикаси. – Т: Фан, 1981.
3. Ўринбоев Б. Сўзлашув нутқи. – Тошкент: Фан, 1979.
4. Ўринбоев Б. Ҳозирги ўзбек тилида вокатив категория. – Тошкент: Фан, 1972. – 9-бет.